

ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ ИСТИКБОЛЛАРИ

Болтаев Тўлқин

Тошкент давлат иқтисодий университет

катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада валюта муносабатлари ва тижорат банклари валюта операциялари ривожланиши масалалари, валюта операциялари таҳлили ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар: валюта, валюта курси, валюта операциялари, спот, форвард, своп, опцион, валюта операциялари таҳлили

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы развития валютных отношений и операции коммерческих банков Узбекистана, анализ валютных операций

Ключевые слова: валюта, валютный курс, валютные операции, спот, форвард, своп, опцион, анализ валютных операций

ABSTRACT

The article discusses the essence of foreign exchange transactions of commercial banks of Uzbekistan, analysis of foreign exchange transactions

Key words: currency, exchange rate, foreign exchange transactions, spot, forward, swap, option, forward coefficient, analysis of foreign exchange transactions

Валюта муносабатлари иқтисодийнинг асосий ва мураккаб қисмларидан бири ҳисобланади. Валюта муносабатларининг ривожланишида иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг роли каттадир. Охирги йилларда ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам бу соҳада фаоллиги ошмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий интеграциясида ривожланишини таъминлашда валюта муносабатларини такомиллаштириш, жаҳон иқтисодига мос равишда валюта тизимини ташкил қилиш ва валюта сиёсатини юритишни тақозо қилмоқда.


Валюта муносабатлари валюта тизими қонун қоидалари асосида амал қилади. Валюта тизими – бу миллий қонунчилик ёки халқаро келишувлар асосида валюта муносабатларини ташкил қилиш ва тартибга солиш шаклидир.

Иқтисодий интеграцияларнинг такомиллашуви даврида ривожланган мамлакатлар валюта тизими халқаро валюта муносабатларида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда миллий валюта тизимини шакллантириш, миллий валюта

курсини барқарорлигини таъминлаш борасида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, валюта резервларини кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон тўлов балансини яхшилаш, экспортни ошириш, импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жорий валюта тизими асосида жаҳон валюта бозоридаги валюта операциялари ҳажмининг доимий ошиб бориши кузатилмоқда. Ҳаттоки, 2020 йилда пандемия шароитида ҳам валюта савдоларида ўсиш қайд этилган эди. 2022 йилда, жаҳон валюта операцияларининг ўртача кунлик ҳажми 7,5 трлн. АҚШ долларига етди. Бу эса 2010 йилдаги кўрсаткичга қараганда 1,9 марта кўп.



1 –расм. Жаҳон валюта бозоридagi кунлик валюта операциялари ҳажми динамикаси, млрд.АҚШ доллари

Ушбу валюта операцияларнинг 80 фоиздан ортиғи спекулятив операциялар ҳиссасига, 20 фоиздан камроғи эса халқаро савдо ва инвестицион капитал билан боғлиқ битимларга ҳиссасига тўғри келади.

Жаҳон валюта бозоридаги операцияларнинг турлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2022 йилда валюта своплари энг кўп улшга эга. Унинг кунлик ҳажми 3,9 трлн. АҚШ долларини ёки 52,4 фоизни ташкил этган. Ундан кейинги ўрин спот битими бўлиб, унинг кунлик ҳажми 2,1 трлн. АҚШ доллари ёки 28,0 фоизга тенг бўлган.

Жаҳон валюта бозоридаги битимлар таркиби¹

	2010 й.		2013 й.		2016 й.		2019 й.		2022 й.	
Битимлар номи	Ҳажми, млрд. АҚШ доллари	Салмоғи, %	Ҳажми, млрд. АҚШ доллари	Салмоғи, %	Ҳажми, млрд. АҚШ доллари	Салмоғи, %	Ҳажми, млрд. АҚШ доллари	салмоғи%	Ҳажми, млрд. АҚШ доллари	салмоғи%
Спот	1 489	37,5	2 047	38,2	1 652	32,6	1 979	30,1	2 104	28,0
Форвард	475	12,0	679	12,7	700	13,8	998	15,2	1 163	15,5
Своп	1802	45,4	2 294	42,8	2 460	48,6	3 306	50,2	3 934	52,4
Опцион ва бошқ.	207	5,2	337	6,3	254	5,0	298	4,5	304	4,1
Жами	3973	100,0	5 357	100,0	5 066	100,0	6 581	100,0	7 505	100,0

Халқаро валюта тизимида АҚШ долларининг етакчилиги жаҳон валюта бозоридаги операцияларда ҳам яққол сезилади. Жаҳон валюта операцияларининг валюта таркибини таҳлил этганда, АҚШ долларининг катта улушга эга валюта эканлигини кузатишимиз мумкин. АҚШ долларининг жаҳон валюта бозори айланмасидаги улуши 2022 йилда 88,5 фоизни ташкил этган. Бу ҳолат 2010 йилга нисбатан 3,6 фоизли пунктга кўпдир.

Фикримизча, АҚШ долларининг жаҳон валюта бозоридаги ҳиссасининг юқорилиги унинг халқаро резерв ва етакчи валюта сифатидаги устувор роли билан белгиланади. Айниқса бу устуворлик икки бошқа валютани айирбошлашда дастлаб уларнинг АҚШ долларига конвертацияланишини кўзда тутувчи кросс-валюта битимларида намоён бўлади. Масалан, Ўзбекистон сўмини Англия фунт стерлингига алмаштиришда, Ўзбекистон сўмига АҚШ доллари харид қилинади, сўнгра, АҚШ долларига Англия фунт стерлинги сотиб олинади. Бу кросс-валюта битимларини тузишнинг энг арзон ва қулай йўли ҳисобланади. Чунки АҚШ долларини айирбошлашни хоҳловчи контрагентлар кўплаб топилади. Бундан ташқари, АҚШ доллари учун бозорлар юқори даражада ликвидлиikka эга, шунингдек, унда трансакцион харажатлар нисбатан паст ҳисобланади.

¹ Манба: Халқаро ҳисоб-китоблар банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Жаҳон валюта бозорида валюта таркиби динамикаси²

	2010 йил		2013 йил		2016 йил		2019 йил		2022 йил	
Валюта	Ҳажми, млрд. АҚШ доллари	Салмоғи, %	Ҳажми, млрд. АҚШ доллари	Салмоғи, %	Ҳажми, млрд. АҚШ доллари	Салмоғи, %	Ҳажми, млрд. АҚШ доллари	Салмоғи, %	Ҳажми, млрд. АҚШ доллари	
АҚШ доллари (USD)	3 371	84,9	4 662	87,0	4 437	87,6	5 811	88,3	6 639	88,5
Евро (EUR)	1 551	39,0	1 790	33,4	1 590	31,4	2 126	32,3	2 292	30,5
Япон иени (JPY)	754	19,0	1 235	23,0	1 096	21,6	1 108	16,8	1 253	16,7
Фунт стерлинг (GBP)	512	12,9	633	11,8	649	12,8	843	12,8	968	12,9
Хитой юани (CNY)	34	0,9	120	2,2	202	4,0	285	4,3	526	7,0
Бошқалар	1 723	43,4	2 274	42,4	2 159	42,6	2 988	45,4	3 334	44,4
Жами	3 973	200,0	5 356	200,0	5 066	200,0	6 580	200,0	7 506	200,0

Изоҳ: Валюта битими икки валютанинг иштирокини талаб этиши боис, валюталарнинг салмоғи 200 фоизга нисбатан олинди.

Жадал суръатларда ривожланаётган мамлакатлар орасида Хитой Халқ Республикаси (ХХР) миллий валютаси – юаннинг валюта айирбошлаш операцияларидаги роли сезиларли даражада ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. 2010-2022 йилларда песонинг валюта битимларидаги салмоғи 0.9 фоизда 7.0 фоизгача ошган.


Бу ҳолат юаннинг фаол савдо валютасига айланиб бораётганини англатиб, унинг халқаро захира валютасига айланиши йўлидаги илк қадами саналади.

Айни пайтда, Хитой Халқ банки томонидан турли мамлакатлар марказий банклари билан валютадаги ликвидлиликни ошириш мақсадида икки томонлама своп битимлари тузилаётганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Жаҳон валюта операцияларининг қарийб 60 фоизи икки давлат: Буюк

² Манба: Халқаро ҳисоб-китоблар банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Британия ва АҚШ ҳиссасига тўғри келади. 2022 йилда Буюк Британияда халқаро валюта операцияларининг 38,1 фоизи амалга оширилган. Бу ҳолат Буюк Британиянинг жаҳон валюта бозоридаги ўрни йил сайин мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради. 2010-2022 йиллар мобайнида жаҳон валюта бозорида АҚШнинг ўрни ҳам ортган, яъни унинг салмоғида 1,5 фоизли пунктга ошган.



2 –расм. 2022 йилдаги жаҳон валюта операцияларининг мамлакатлар бўйича тақсимоти³, %

Бу ўринда валюта бозорида концентрациялашув даражасини кўрадиган бўлсак, 2010 йилда 5 та мамлакатга глобал валюта операцияларининг 70,8 фоизи тўғри келган бўлса, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 78,5 фоизни ташкил этган. Бундан гвалюта бозорида концентрациялашув даражаси ошганини кузатишимиз мумкин.

Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти давлатларида валюта бозорларини тадқиқ этиш уларнинг ривожланишига хос қуйидаги хусусиятларни аниқлаш имконини бери:

Ривожланаётган давлатларда валюта биржасида амалга ошириладиган валюта опеарциялари асосан спот битимларидан ташкил топган. Форвард ва бошқа муддатли валюта операциялар эса, сустр ривожланган. Шунингдек, айрим мамлакатларда форвард ва своп битимларини тартибга солиш амалиёти мавжуд бўлиб, форвард ва своп битимларини тузиш қонуний рухсат этилган. Бундан ташқари, форвард ва своп шартномаларининг миқдори ва сўндириш муддатлари ҳам тартибга солиш объектига айлантирилган.

³ Манба: Халқаро ҳисоб-китоблар банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Банклараро валюта операциялари ҳажмини таҳлиллар кўрсатишича, айрим ривожланаётган давлатларда банклар ўртасидаги валюта операциялари банк ва миждоз ўртасидаги валюта операцияларининг 50 фоизидан камроғини ташкил этади. Ривожланган мамлакатларда эса, бу ҳолатнинг акси кузатишимиз мумкин. Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг маълумотларига кўра, банклараро валюта бозори ҳажми банк-миждоз даражасидаги валюта ҳажмидан АҚШда 7 марта, Германияда эса 12 марта кўпроқни ташкил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон валюта бозорида валюта операцияларининг ўсиш тенденцияси кузатишмоқда. Ундаги битимларда АҚШ долларининг етакчилиги сақланиб қолмоқда. Шунга қарамай, ривожланаётган мамлакатлар валюталари билан тузиладиган битимлар ҳажмида фаол ўсиш кузатилади. Уларнинг жаҳон валюта бозорида, айниқса, халқаро савдо, инвестициялар ва молиявий операциялардаги ролини ошириш учун реал шарт-шароитлар таъминланмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири). – Т., 2019 йил 22 октябрь.
2. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта кредит муносабатлари. Дарслик. Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2005 йил, 588 бет.
3. Бункина М.К., Семенов А.М. Основы валютных отношений: Учебное пособие. – М.Юрайт, 1998. – 192с.
4. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш.Т. “Фан ва технология”, 2007. – 286 б.
5. Болтаев, Т. К. (апр 2020). Перспективы развития валютных отношений в узбекистане. Universum: экономика и юриспруденция, (4), 9-12
6. Болтаев, Т. К. (июнь 2022). Ўзбекистон тижорат банкларида валюта операцияларини ривожлантириш истиқболлари. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, VOLUME 2 | ISSUE 6
7. www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти
8. www.bis.org - Халқаро ҳисоб-китоблар банки сайти